

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
Ўрта махсу  
стаълим  
вазирлигининг

2016 йил "6" апрел  
даги  
№ 333-С/О  
буйруғи билан  
тасдиқланган

Рўйхатта олинди  
№ 408-40  
2016 йил



“Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2016

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта  
махус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар  
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг*

2016 йил *16.12.2016* даги *А* - сонли байномаси билан  
маъқулланган.

Тузувчилар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”  
модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ю.ф.и., доц.  
В.Тошпаев.

“Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”  
модули: п.ф.д., профессор Н.А.Муслимов, п.ф.и.  
М.Т.Мирзолиева, п.ф.и. доц. М.Усманбаева, А.ИсANOVA.

“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация  
технологияларини қўллаш” модули: ф-м.ф.и. доцент  
Х.Холматов, ф-м.ф.и. доцент Д.Иргашева, катта ўқитувчи  
В.Ҳамидов.

“Амалий хорижий тил” модули: Ўзбекистондаги  
Британия Кенгашининг стажчи мутахассислари, катта  
ўқитувчи У.Тисова.

“Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари”  
модули: с.ф.д., профессор С.Жўраев, п.ф.и., Х.М.Алимов.  
Махусе фанлар бўйича:

Хорижий эксперт: PhD, Иван Кроуфорд, Менеджмент  
мактаби, Бат Университети, (Буюк Британия)  
Ишчи гуруҳ: и.ф.д., профессор Н.К.Юлдашев,  
PhD Ш.Р. Ақтамов

Тасдиқчилар:

Хорижий эксперт: PhD Ёсаю Яъи – Менеджмент  
мактаби, Шанхай Университети (Хангай Ханк  
Республикаси)  
М.Х.Салов - ТАЙИ, “Менеджмент” кафедраси mudiri,  
и.ф.д., профессор

Ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодий университети Кенгашининг қарори билан  
таъликов тасдиқ қилинган (2016 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сонли байнома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июлдаги  
“Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва  
малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари  
тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб  
чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва  
малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий  
таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам  
ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва  
конунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат,  
таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий  
хорижий тил, тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари, махусе фанлар  
негизда илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув  
жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнги ютуқлар,  
педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи,  
мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича  
билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутлади.

Дастур доирасида берилган мазмулар таълим соҳаси бўйича педагог  
кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг  
тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида  
шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог  
кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор  
хорижий тақрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация  
технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенси  
ўзлаштириш даражасини ошириш хисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий  
фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия  
жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли тахлил қилиш, шунингдек,  
педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ  
компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари  
ҳамда долзарб масалалардан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг  
махусе фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига  
қўйиладиган талаблар ўзгартрилишини мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги  
модулар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

**I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожига  
таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг конунчилик нормалари.

**II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

2.2. Иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий таълим технологиялари.

### III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

3.2. Иктисодиёт соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари.

### IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари

### V. Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.

5.2. Иктисодиёт соҳасида тизимли тахлил асослари.

### VI. Махсус фанлар

6.1. Стратегик менежмент.

6.2. Лойиҳа менежменти.

6.3. Операцион менежмент.

### VII. Педагогик амалиёт

### VIII. Малакавий аттестация

#### Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнлари юқсак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар кирadi:

- "Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)" йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва ингор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- "Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)" йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

"Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари", "Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат", "Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш", "Амалий хорижий тил", "Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари" модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёрларини ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### Тингловчи:

- иктисодиёт фанларни ўқитишда замонавий таълим технологияларини;
- иктисодиёт соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини;
- иктисодиёт соҳасида тизимли тахлил асосларини;
- стратегик менежментнинг илмий-амалий асосларини;
- стратегик бошқарув вазифаларини бажаришда микродорий ва сифат усулларини;
- лойиҳавий менежментда фойдаланиладиган усулларини;
- операцион менежментнинг илмий-амалий асосларини билиши керак.

#### Тингловчи:

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва прогноз қилиш;
- таълим сифатини назорат қилиш;
- таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятта инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали усулларидан фойдаланиш;
- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдаланиш;
- компания стратегиясини мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб тўғри ташкил этиш;
- лойиҳани амалга оширишда вақт, ресурс, бюджет, технология ва одамларни бошқариш учун самарали усул ва услублардан фойдаланиш ва зарур ҳолатда лойиҳага ўзгартириш кирита олиш;

• стратегик ва операциял вазифалардан келиб чиқиб ташқи ва ички муҳит ўзгаришларини тахлил қилиш орқали жараёни тақомиллаштириш бўйича мустақил қарорлар қабул қилиш каби кўникмаларига эга бўлиши лозим.

#### Тингловчи:

- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш;
- мутахассислик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш;
- менежмент соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда таълим жараёнини лойиҳалаш;
- бошқарув соҳасида жараёнларни тахлил қилиш ва қарор қабул қилишда иқтисодий ва бошқарувга оид қонунлар, илмий тушунчаларни (категорияларни) ишлатиш;
- стратегик жараёнларни амалий тахлил қилиш ва тахлил асосида вазиятга корректив чоралар кўриш;
- лойиҳаларни бошқаришда чекловлар (вақт, ресурс, бюджет)дан самарали фойдаланиш орқали максимал даражада лойиҳа муваффақиятини таъминлай олиш;
- операциял масалаларни ечишда махсус компьютер дастурларидан фойдаланишга оид малякаларига эга бўлиши зарур.

#### Тингловчи:

- компаниялардаги стратегик ва операциял жараёнларни чуқур тахлил этиш ва олинган хулосаларни кенг жамоатчиликга тушунтириб бериш ҳамда менежмент соҳасида тайёрланаётган мутахассисларни ўқитиш жараёнига назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;
- стратегик қарорларни қабул қилиш;
- операциял равишда ўзгаришларни киритиш;
- рискларни тахлил қилиш;
- тахлиллар асосида корхонанинг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш;
- менежментнинг энг замонавий усулларини ўрганиш орқали корхона рақобатбардошлигини ошириш ва фаолиятига қўлаш;
- операциял вазиятни тизимли тахлил қилиш орқали оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- лойиҳаларни ўз вақтида, белгиланган бюджет асосида, мавжуд ресурслар билан яқунлай олиш ҳамда корхоналарни инновацион ва стратегик ривожлантириш сценарийларини ишлаб чиқиш компетенциясига эга бўлиши зарур.

#### Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юклармаси ҳафтага 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати бериллади.

«Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)» йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмунини

### 1. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари

#### 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари.

Инсон онг ва тафаккурининг янгилааниши жамият ривожланишининг муҳим омилли сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истякболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Овоз ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз таракхўстнинг асосий мезонидир”, “Она юртимиз бахти икболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” ва бошқа асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

#### 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонуқчилик нормалари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизимини дарслиқлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4 – сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар қириштириш ҳақида”ги 3-сон Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сон қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очик лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа метъёрий ҳужжатлар. Меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар бўйича хорижий таъриба.

## II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

### 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечish босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар технологиялари, ассименг методларидан ўқув-тарбия жараёнида

фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмуни-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахсларо муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали хал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик – педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шаротида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

### 2.2. Иктисодий фанларни ўқитишда замонавий таълим технологиялари.

Иктисодиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизими самардорлигини оширишга инсбатан технологик ёндашувнинг зарурлиги. Замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш. Иктисодий фанларни ўқитишда мазлумотларни таркиблаштириш, ўрганилаётган тушунчалар ўртасидаги алоқа ва алоқадорликни ўрнатилишнинг метод ва воситаларидан фойдаланиш. Иктисодий фанларни ўқитишда мазлумотларни ташкил қилиш, солиштириш ва таққослашнинг метод ва воситаларидан фойдаланиш. Иктисодий фанларни ўқитишда муаммони аниқлаш ва таҳлил қилиш. Иктисодий фанларни ўқитишда муаммо вазифаларини режалаштириш.

Иктисодиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимида хорижий мамлакатлар илгор тажрибалари. Замонавий ёндашувлар. Европа ягона таълим муҳити (Болонья жараёни). Модулли таълим моҳияти. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари.

Модулли-кредит тизими моҳияти. ECTS кредитлари. ECTSнинг асосий тамойиллари. ECTSнинг хусусиятлари. Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси.

Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Англия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш бўйича тажрибаларини таълим тизимига тadbиқ этилиши.

Кейс-стади технологияси моҳияти, унинг яратилиш тарихи. Кейс-стади технологиясини умимий тавсифи ва уни таълим жараёнига тadbиқ этишнинг дидактик аҳамияти. Кейс-стади технологиясини таълим жараёнига самарали тadbиқ этиш шартлари. Кейс-стади технологиясининг таркибий тузилмаси ҳамда

Ўзига хос дидактик хусусиятлари. Кейслар типологияси. Кейсларни яратиб методикаси.

Ўқув жараёнининг норматив-ҳуқуқий асослари (таълим стандартлари, ўқув режа, фан дастури ва локал ҳужжатлар) бўйича хорижий тажрибалар ва уларнинг қиёсий таҳлили.

### III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

#### 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойihalаш.

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Ziyonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқот муҳитида жамoa бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим муҳитида педагогик жараёни лойihalаштириш. Moodle дастури асосида ўқув ресурсларини яратиш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машгулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар химоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида химоялаш. Химоялаш воситалари.

#### 3.2. Иктисодиёт соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг анги авлодлари ва улардан иктисодиёт соҳасида фойдаланиш. Ахборот тизимлари тушунчаси ва таснифланиши. Миллий иктисодиётнинг тармоқлари ва соҳаларида қўлланиладиган замонавий ахборот технологиялари. Иктисодиётнинг турли соҳаларида ахборот технологияларини амал қилиш принциплари. Клиент-сервер технологияси, махсус мутахассисларнинг автоматлаштирилган иш жойининг амал қилиш технологияси. Ахборот тизимини амал қилиши учун фойдаланиладиган техник ва амалий дастурлар пакети.

Электрон тижорат ва уни Ўзбекистонда ривожлантириш концепцияси. Электрон ҳуқуқат ва ундан фойдаланиш йўналлишлари. Интерактив хизматлар ва уларнинг турлари.

Банкларда замонавий ахборот тизимлари. Бухгалтерия ҳисобидати замонавий ахборот тизимлари. Маркетингда замонавий ахборот тизимлар. Статистик ахборот тизимларининг макссади ва функциялари. Солиқ тизимида замонавий ахборот тизимлар. Миллий иктисодиёт объектларида замонавий ахборот тизимларининг амал қилиш самарадорлиги.

### IV. Амалий хорижий тил

#### 4.1. Амалий хорижий тилини ўрганишнинг интенеив усуллари.

Хорижий тилини ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқалар. Хорижий тилини ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўргатувчиларини роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (Ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот маззулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) иқтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган маззулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиб, уларни тушуна олиш, озгак баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

### V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

#### 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.

Тизимли таҳлил тушунчаси. Тизим ва тизимлар назарияси. Тизимли методология ва тизимли ёндашув. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли таҳлилнинг макссади ва вазифалари. Тизимли таҳлилддан педагогик фаолиятда фойдаланиш техникаси. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли таҳлилни амалга ошириш. Тизимли таҳлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари. Тизимли таҳлил натижаларини манба шаклига келтириш технологияси.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар. Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорлар (тезкор, тактик ва б.).

Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертли ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми.

### 5.2. Иктисодиёт соҳасида тизимли таҳлил асослари.

Иктисодиётнинг яхлит тизим сифатидаги хусусияти ва уни тизимли таҳлил қилиш методологияси. Тизимли таҳлил асосида олинган натижа ва ҳулосаларни илмий асослаб, оптимал қарор қабул қилиш. Иктисодиёт соҳаларига мос объектларда тизимли таҳлил олиб бориш. Иктисодиёт соҳасида тизимли таҳлил натижасида қарор қабул қилишда моделлаштириш усулларидан фойдаланиш. Тизимли таҳлил объектларини бўлақларга ажратиб, уларни енишда самарали усулларни қўллаш. Тизимли таҳлил натижасида олинган натижаларни оптималлаштириш. Иктисодиётта оид мураккаб тизимларни моделлаштириш ва лойихалаштириш. Тизимли тузилмага эга бўлган иктисодий тизимларни бошқариш. Ҳз касбий фаолиятини тизимли бошқариш. Иктисодий тизим элементлари ҳисобланувчи бўлақларни интеграция қилиш ва ҳар қандай яхлитни дифференциация қилиш. Иктисодий тизим таракқиётини, унинг ривожланиш тенденцияларини прогноз қилиш.

## VI. Махсус фанлар

### 6.1. Стратегик менежмент.

Стратегияни бажариш бўйича асосий вазифалар. Стратегияга мос бўлишларни белгилаш. Стратегияни қувватловчи илмийлик муҳитини яратиш. Ҳал қилувчи вазифаларга одамлар таллаш. Бош қийматларни яратиш. Ташкилий тузилмани стратегияга мослаштириш. Бошқаришнинг турли ташкилий тузилмалари, афзалликлари ва камчиликлари.

Бюджетларни стратегия билан боғлаш. Стратегияни қувватловчи сиёсат ва муолажалар яратиш. Стратегияни такомиллаштиришнинг энг яхши амалиётини киритиш. Қувватловчи тизимларни ўрнатиш. Стратегик ахборотни инфодалаш. Тақдирлаш саяъати. Мукофотлар ва рағбатлантириш. Қучли ва заиф корпоратив маданият. Яхши ривожланмаган ёки носоглом корпоратив маданият. Ахлоқий меъёрлар ва кадрятлар тизимини ўрнатиш. Корпоратив маданиятни такомиллаштириш. Персонал билан максимал мулоқот асосида бошқариш. Стратегияни қувватловчи муҳит ва маданият яратиш. Ташкилот ички муҳитининг янгиланган тадбик этиш қобилиятини қувватлаш

Корхона функционал тузилмаларининг стратегик устуңликлари ва стратегик камчиликлари. Бошқарувнинг бизнес бирликларига мослашган марказлашмаган тузилманинг стратегик афзалликлари ва камчиликлари. Бошқарувни матрица тузилмасининг стратегик афзалликлари ва камчиликлари. Ташкилий тузилмаларнинг ривожланиш истиқболлари. Мавжуд стратегиянинг самарадорлиги. Корхонанинг стратегик муаммолари. Рақобат устуңлигини сақлаш учун химоя стратегияларидан фойдаланиш.

Муваффақиятли стратегия яратиш тамойиллари. Корхонани стратегик бошқаришда махсудотнинг ўрни. Махсудотнинг марқаси ва имиджи. Кафолатлар.

Янги махсудотларни яратиш стратегияси. Корпоратция стратегиясини қайта кўриш ёки қисқартириш ва буортма портфелини қайта реструктуризация қилиш. Қисқартириш ва воз кечиш стратегиялари. Янги бизнестга кириш стратегияси. Самарадорлик мезони.

Корхоналарда инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш. Инновацион фаолиятда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари. Инновацияларни жорий этишга қаршилик кўрсатувчи омиллар. Хорижий компанияларда инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш тажрибаси.

### 6.2. Лойиха менежменти.

Лойиха менежменти ҳақида умумий маълумот. Лойиха менежментда цикллар ва босқичлар. Лойиханинг структураси. Лойихадаги манфаатдор томонлар ва уларни бошқариш. Лойихани бошқаришда маданият. Лойихада ишчи гуруҳни бошқариш.

Лойихани инициация қилиш. Лойихани режалаштириш турлари ва ўзига хос томонлари. Режалаштириш ҳажми. Вақт бўйича режалаштириш. Ресурслар бўйича режалаштириш. Бюджетга кўра режалаштириш. Лойиха давомийлигида харидлар қилиш. Лойиха иштирокчиларини жалб қилиш. Сифат назорати ва уни режалаштириш. Коммуникацияни режалаштириш ва амалга ошириш. Рискларни бошқариш. Маълумотлар таҳлили. Харажатларни ҳисоблаш ва таҳлил этиш. Лойихани амалга ошириш босқичи. Лойиха бажаришдаги узиллишлар ва критик ҳолатлар. Лойихани янунлаш фазаси. Гант чарт. Лойихани хариталаш. Тизимли диаграмма. СPM ва PERT усуллари. Лойиха менежментида қўлланиладиган дастурлар.

### 6.3. Операцион менежмент.

Операцияларни тадқиқот қилиш усуллари. Ишлаб чиқаришни бошқаришда операцияларни ўрни. Операцияларни ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш, такомиллаштириш ва самарали ташкил этиш. Операцион функция ва тизим. Операцияларни бошқариш тамойиллари ва тизимлари турлари.

Ишлаб чиқаришда, хизмат кўрсатишда махсудот ва жараёнларни лойихалаштириш. Корхонани бошқариш, корхона буюмларини ва ходимларини бошқариш, сифатни бошқариш. Мехнат ресурсларига бўлган талабни режалаштириш. Иктисодиётни модернизациялаш шариотида операцион бошқаришнинг замонавий усуллари. Махсудот чиқаришни режалаштириш, бошқаришни ташкил этиш. Захираларни бошқариш. Автоматлашган лойихалаштириш. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автоматлашган тизими (ИЧБАТ). Balanced Scorecard концепцияси асосида компанияларни операцион бошқариш. Balanced Scorecard концепциясининг асосий элементлари. Янги концепцияни реализация қилиш жараёни. Корпорациянинг мониторинг самарадорлиги.

Махсудот ва хизматларни лойихалаштириш. Ишлаб чиқиб жараёнларнинг долзарблиги ва хусусиятлари. Лойихалаштириш жараёни. ABC - инжиниринг. Операциянинг математик модели. Тасвирланган ҳолисанинг моҳияти.

Самардорлигининг мақсад функцияси. Операцияни ўрганишда масаланинг умумий операцияларни тадқиқ қилиш масаласи моделининг методологияси. Мақсад функциянинг уларнинг ўзгарувчан омиллари (ечим элементлари). Оптималлаш масалалари. ISO 9001 Халқаро стандартлари. ISO 9001:2015 стандарти асосида компанияни баҳолаш модели. Фаолият такомиллашуви модели. Эталоннинг асосий хусусиятлари ва кўрсаткичлари. "Six sigma" сифат бошқаруви методикаси. Ишлаб чиқариш режасини тузиш услуби. Ишлаб чиқариш қувавларини режалаштириш ва прогноزلаш. SCM модели. Бойликларнинг ўз замирида ўзаро характери. Қиймат занжирини лойихалаштириш. Миқозга йўналтириш. Махсулотни сотувага қўйиш замирини такомиллаштириш. Бизнес-жараёнлар ренжиниришга босқичларини тахлил қилиш. Махсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш стратегиясини ишлаб чиқишда жараёнларни бошқариш. Операцияларни тактик ва оператив бошқаруви. Захираларни бошқариш операциялари ва моделлари. JIT тизими, мохияти, талаблари. Мехнат унумдорлигининг Япон ёндашуви. Канбан. JIT тизими Шимоллий Америка варианты. Total Quality Management.

Операцияларни узлуксизлигини таъминлашда инновацияни жорий этиш хусусиятлари. Ишлаб чиқаришда инновация самардорлигини аниқлаш йўллари. Операцион менежментининг хорикда эволюцион ривожланиши, унинг таснифи. АҚШ, Европа, Осиё, Япония мамлакатларида операцион менежментни ўзига хос хусусиятлари. Жараёнларнинг узлуксиз яхшилланиши.

## VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машгулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий тахлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

### Амалий машгулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машгулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технология жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машгулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### Мустақил таълим соатларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув ишини тайёрлайди.

Битирув ниши талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдирини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдирини қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

кейслар банки;

мавузулар бўйича тақдиротлар;

бошқа материаллар (фанини ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва тахлил этиш;

- соҳа тараксийининг устувор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;

- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илғор хорикий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини "Электрон портфолио" тизимига киритиб бориши лозим.

## Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа махсулотлари ва бошқа электрон ва катоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

### Адабиётлар:

#### 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркини ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.

3. И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: "Маънавият". – Т.: 2008. – 176 б.

4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришини оstonасида. - Т.: "Ўзбекистон". 2011. – 440 б.

5. И.А.Каримов. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажакги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. "Ўзбекистон", 2015. – 302 б.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Мамлакатимизни 2015-йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш аянлари ва 2016-йилга мўлжалланган Вазирлар Маҳкамасининг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи газетаси, 2016 йил, 16 январ.

## II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.



2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим - тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, баркамол авлодини вонга етказиш тўғрисида"ги 1997 йил 6 октябрдаги №1869-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида"ги 1998 йил 5 январдаги 5-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзлуксиз таълим тизимини дареликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида"ги 1998 йил 5 январдаги 4-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2001 йил 16 августдаги 343 - сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий ўқув юртлири талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва микдорлари тўғрисида"ги 2001 йил 17 августдаги 344 - сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги "Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 100-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 25-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълим муассасалари талабалари ўқиниш кўчириш, қайта тиклаш ва ўқинишдан четлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқлаш хусусидаги 2010 йил 18 июлдаги 118-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2010 йил 28 июлдаги 4232-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги "Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 278-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касебда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида"ги Низоми 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли Қарори.
  16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли Қарори.
  17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги "Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги 371-сон Қарори.
  18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 3-сонли Қарори.
  19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги "Магистратура тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 36-сонли Қарори.
  20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4732-сон Фармони.
  21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги "Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида"ги 242-сонли Қарори.
- Ш. Махсус адабиётлар**
1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: Молия, 2003. - 192 б.
  2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.: 2000. - 218 б.
  3. Исмаилов А.А., Жалалов Ж.Ж, Саггаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/- Т.: 2011. - 182 б.
  4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). - Т.: "Истеъдод" жамғармаси, 2008. - 180 б.
  5. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). - Т.: "Истеъдод" жамғармаси, 2009. - 160 б.
  6. Саггаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. - Т.: "Академия", 2003. - 70 б.
  7. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. - Т.: 2006. - 230 б.
  8. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализи: психологик таҳлил. - Т.: "Академия", 2011. - 154 б.
  9. Йўлдошев Н.К. Стратегик менежмент. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2012. - 230 б.

10. Умарходжаева М.Г. Операцион менежмент. Ўзбекистон файласуфлар милли жамияти нашриёти. Дарелик. Тошкент - 2014. 402 бет.
11. Йўлдошев Н.К., Набоков В.И. Менежмент назарияси. Дарелик. Т.: ДИУ, 2012.-433 б.
12. Абдуллаев О.М., Ходиев Б.Ю., Ишназаров А.И. Эконометрика. Учиник. - Т.: Fan va texnologiya. 2007. - 612 с.
13. Tay Vaughan. Multimedia: Making it Work.- USA: McGraw-Hill/Osborne Media, 2016.
14. Paul J. Ossenbruggen. Fundamental Principles of Systems Analysis and Decision-Making. 1 edition.- USA: Wiley, 1994
15. Andrew P. Sage, William B. Rouse. Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises.- USA: Wiley, 2011.
16. Richard Lynch, Strategic management, 7th edition. Pearson Education Limited, USA, 2015.
17. Jeffrey K. Pinto, Project Management, Achieving Competitive Advantage, 4th edition, 2015, 568 pages
18. Avraham Shub, Jonathan Bard, Shlomo Globerson, Project Management: Processes, Methodologies and Economics. Pearson New International Edition. 2013, 608 pages.
19. Nigel Slack. Alistair Brandon-Jones, Operations management, Person, USA, 2016.

#### IV. Электрон таълим ресурслари

1. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) - Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz) - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.
3. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz) - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий сайти.
4. [www.mfcr.uz](http://www.mfcr.uz) - Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.
5. [www.uza.uz](http://www.uza.uz) - Ўзбекистон милли ахборот агентлиги расмий сайти.
6. [www.sciencedirect.com](http://www.sciencedirect.com) - Жоннинг энг илгор талкиотлари базаси.
7. [www.uzport.com](http://www.uzport.com) - бизнес ахборотлари портали.
8. [www.phdmanagement.org](http://www.phdmanagement.org) - менежментга оид ресурслар базаси.

"ИШЛАВМАНҚИЛИ":



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
 Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
 вазирлигининг қўлига келтирилган ва уларнинг  
 маълумотини оқибатдаги таълимни эши  
 Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
 Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
 вазирлигининг қўлига келтирилган ва уларнинг  
 маълумотини оқибатдаги таълимни эши  
 Директор \_\_\_\_\_ У.Ш. Ёсипкулов  
 М.У. \_\_\_\_\_ 201\_\_ й.

"КЕЛИШИЛГАН":

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
 Олий таълим муассасалари бош  
 бошқармаси

Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ И.У. Мажидов  
 М.У. \_\_\_\_\_ 201\_\_ й.

М.У.

Тошкент давлат педагогика университети  
 Ректор \_\_\_\_\_  
 М.У. \_\_\_\_\_



Тошкент давлат педагогика университети  
 Ректор \_\_\_\_\_  
 М.У. \_\_\_\_\_

Директор \_\_\_\_\_ Г.Н. Ахунова

М.У. \_\_\_\_\_ 201\_\_ й.

М.У.

